

2019 ЙИЛ — ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ ЙИЛИ



НУҚУҚ

1997-йил 27-августдан чиқа бoшлаган

www.nuquq.uz

2019-й. 3-ЯНВАР, №1 (1146)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ

Хурматли сенатор ва депутатлар!

Қадрли юртдошлар! Мухтарам меҳмонлар! 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасини баён этишга руҳсат бергайсиз.

Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшашмоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда.

Биз келгуси йил учун амалий режалар тузар эканмиз, халқро майдондаги ана шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ-равшан белгилаб олишимиз зарур.

Азиз дўстлар! Биз ҳар бир йилга эзгу ният билан ном берамиз ва ўз олдимизга улкан марраларни қўямиз.

Буюк Имом Бухорий ҳазратларининг "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" асари "Барча эзгу амаллар ниятга боғлиқ, ҳар бир кишига фақат ният қилган нарсаси берилди" деган ҳадис билан бошланганида, албатта, жуда чуқур маъно бор.

Биз 2018 йилга "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни

қўллаб-қувватлаш йили" деб ном бериб, Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳани амалга оширганамиз ўтган йили яхши ният билан бошлаган ишларимизнинг натижасини кўрсатиб турибди.

Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, капитал қурилиш, транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Айниқса, ҳар қачонгидан ҳам оғир бўлган бу йилги мавсумда миришкор деҳқон ва фермерларимиз фидокорона меҳнат қилганларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадида жорий йилда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўтган йилларга нисбатан сезиларли равишда оширилди. Хусусан, педагог ходимларнинг иш ҳақи сўнги 10 йилда биринчи марта 50 фоизгача кўпайтирилди.

Қўрилган чора-тадбирлар туфайли аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди.

"Хар бир оила — тадбиркор", "Ёшлар — келагачимиз" каби дастурлар доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалари амалга оширилди.

Бу йилдан бошлаб, солиқ-

ларнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ҳудудларда 5,5 триллион сўм қўшимча маблағ қолдирилди.

Бу, ўтган йилга нисбатан 6 баробар, 2016 йилга нисбатан эса — шунга эътибор беришимизни сўрайман — 32 баробар кўпдир.

Хурматли юртдошлар! Якунига етиб бораётган йил барчамиз учун муқаддас Ватан тимсоли бўлган қишлоқларимиз, маҳаллаларимизни обод қилиш бўйича улкан ишлар бошланган йил бўлди.

Хусусан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Жорий йилда бу борадаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

Натижада 416 та қишлоқ янгига қиёфага эга бўлди.

Ўтаётган йилда ҳаётимизнинг бошқа соҳаларида, жумладан, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш йўлида ҳам муҳим қадамлар қўйилди. Айниқса, юртимиз ёшлари Индонезияда бўлиб ўтган Осиё ва Парасиё ёшлар олимпиада, Аргентинада ўтказилган ўсмирлар Олимпиадасида юқори ўринларни олгани барчамизни қувонтирди.

Давоми 3,4,5,6-бетларда

BOSH PROKURATURADA



2018 йилнинг 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси ҳайъатининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

ЙИЛ ЯКУНИ ВА КЕЛГУСИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Элёр ТАЛАБОВ,
Бosh прокуратура бoshқарма катта прокурори

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ҳамда прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида 2018 йилги фаолияти муҳокама қилинди.

Йиғилишда Президентимиз томонидан аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, иқтисодиётнинг жадал ўсишини таъминлаш, мутлақо янгича ёндашув ҳамда таъминлаш асосида барча соҳаларни жадал ривожлантириш борасида ислохотлар шиддат билан олиб борилаётганлиги, ислохотлар халқимиз

томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Йиғилишда прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир Давлат раҳбарининг бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинганлиги, шу жумладан, прокуратура органларининг тақийлий-штар тузилмалари олиб борилаётган ислохотларга монанд равишда такомиллаштирилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Давоми 2-бетда

ANJUMAN

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИНГ ШИДДАТИ ОШАВЕРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрь куни Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномани тақдим этди.



Тошкент шаҳридаги Симпозиумлар саройида бўлиб ўтган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, нодавлат ташкилотлар фаоллари иштирок этди. Анжумани видео-конференция алоқа тизими орқали вилоят, туман ва шаҳарлардаги маҳаллий кенгашлар депутатлари, барча бўғиндаги ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, шунингдек, мамлакатимизнинг чет эллардаги элчилари кузатиб борди.

Бир йил муқаддам мамлакатимиз тарихида илк марта Ўзбекистон Рес-

публикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси тақдим этилган эди. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган ушбу дастуриламал дарра-жасидаги нутқ асосида пухта амалий режалар тузилди, халқимизга муносиб ҳаёт барпо этиш йўлида эзгу ташаббуслар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатнома режаларини ҳаётга изчил жорий этишнинг дастури сифатида мамлакатимизда 2018 йилни "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб эълон қилишни тақлиф этди.

Давоми 2-бетда

ЭНДИ ДАРОМАДИНГИЗ ОШАДИ, МАОШИНГИЗ КЎТАРИЛАДИ

Мамлакатимизда солиқ ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш, солиқ назоратининг замонавий шакл ва усуллари жорий этиш, солиққа тортиш тизими ва тартибини соддалаштиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.



Ахроржон ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Наманган вилоят
прокурорининг ўринбосари

мол-мулкка солинадиган солиқ ставкасини, бино ва иншоотлардан (илгари хусусийлаштирилган объектлардан самарасиз фойдаланётган юридик шахслар учун) оширилган ставкада солиқ ҳисоблаш тартибини сақлаб қолган ҳолда, 5 фоиздан 2 фоизга пасайтириш назарда тутилган.

Шунингдек, муҳим ўзгаришлар қаторида айтиш ўринлики, бир миллиард сўм махсулот айланмасига эга бўлган ёки эга бўлиши кутилаётган барча ҳужжалик субъектлари ва акка тартибдаги тадбиркорлар 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб умумбелгиланган солиқлар тўловиغا ўтиш, қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва ҳисоб-китоблари тақдим этиш ҳамда бюджет билан ўзаро муносабатлар камерал назорат ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган.

Этиборлиси, солиқ тизимида жорий этиладиган тарихий ўзгаришлар натижасида аҳоли ва бизнесга катта ангиликлар яратилиши кўзда тутилган. 1 январдан бошлаб тушумдан олинмадиган мажбурий ажратмаларнинг тўлови бекор қилиниши натижасида биргина Наманган вилоятидаги корхоналар ихтиёрига қўшимча 5,1 миллиард сўм даромад қолиши кутилмоқда.

Шунингдек, жисмоний шахслар учун даромад солигининг энг юқори ставкаси 22 фоиздан 12 фоизга, ягона ижтимоий тўлови 25 фоиздан 12 фоизга туширилиши, фуқароларнинг 8 фоизлик сугурта бадали бекор қилиниши бўйича аҳоли даромадлари 7,3 фоизга ошиши назарда тутилган.

Айтиш мумкинки, ушбу Фармон давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мавжуд куч ва воситаларини Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида назарда тутилган вазифаларни сифатли бажариш учун бириктириш ва мувофиқлаштириш учун шарт-шароитлар яратилади.

Эътироф этиш лозим, сўнги йилларда республикада иқтисодий муносабатларни либераллаштириш ва кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари амалга таъбирлиқ бўлиб келинмоқда. Ушбу норматив ҳуқуқий ҳужжатларда тадбиркорлик субъектларига қўлай солиқ муҳити яратиш ва солиқ маъмуриятчилигининг самардорлигини ошириш назарда тутилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони ҳужжалик субъектлари ва аҳоли даромадлариغا нисбатан солиқ юқини пасайтириш, солиққа тортиш тизими-

ни соддалаштириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини янада модернизацциялаш ва янгилаш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган.

Ҳўш, бу амалдагидан қандай фарқланади? Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида солиққа тортиш тизimini тубдан ислоҳ этиш, шу жумладан, солиқлар ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш кўзда тутилган. Қўлай рақобатли муҳит яратиш, солиқ қончилиги баркарорлиги ва соддалаштирилишини таъминлаш, солиқ юкларини камайтириш, республикамизнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш концепциясининг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида 2019 йил 1 январдан меҳнат ҳақ тўлаш фондига солиқ юкланмаси, барча жисмоний шахслар даромадларида 12 фоизлик ягона солиқ ставкаси жорий

этилиши орқали пасайтирилди, шундан 0,1 фоиз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобига йўналтирилди. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий бадаллари, юридик шахслар айланмаларидан ундирилмайдиган давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар бекор қилинди. Юридик шахслар фойдасига солиқ ставкаси 14 фоиздан 12 фоизга, тижорат банклари учун эса 22 фоиздан 20 фоизга камайтирилди. Қўшимча қийматга солиқ ставкасининг 20 фоизлик микдори сақлаб қолинди. Бунда солиқ ҳисоби тўлақонли тизими жорий этилди, солиққа тортиш базаси аниқлаштирилди. Шу қатори имтиёзлар сони камайтирилиб, 2019 йил якунларини бўйича ушбу солиқ ставкаси пасайтирилди.

Шу билан бирга, барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, обороти (тушуми) бир миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш, қўшимча фойда солигини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш, юридик шахсларнинг

Анча пайтдан бери "Дамас" автомашинасини олиш ниятида юрган Шерали Тўраев (исм-фамилиялар ўзгаририлган) тўғри автосалонга бормади. Автосалонда навбатда турсам, кўп вақт кетади, деб ўйлади. Машинани тезроқ мингиси келди. Аввал ҳам бировларга машина олиб берганини эшитиб, таниши Аббор Санаевга учрашиб, унга мақсадини айтди.

ЮРТИМИЗДА АВЖ ОЛАЁТГАН ДАРД яъни "Дамас касаллиги"нинг давоси борми?

Аббор фермер ҳўжалиги раиси эди. — Майли, фермер ҳўжалиги ҳисобидан навбатга қўйиб, мuddатидан олдинроқ олиб бераман. Дастлабки тўлов учун 23 миллион 300 минг сўм берсанг бўлди, — деди у.

Шерали боқиб қўйган 20 бosh қўчқори ва бир нечта қўй ва қорамолларини сотди. Айтилган пулни тўллаб, Абборга etkазди.

Орадан тўрт ой ўтган, Шерали Абборни қизига келди.

— Пуллари топширганман, ҳадемай чиқиб қолади, — деди Аббор йигитнинг пуллари аллақачон жигилдонидан ўтиб кетганини айтириб.

Лекин ваъда қилинган машинадан дарак бўлавермади. Орадан анча вақт ўтиб кетди. Шералининг ҳафсаласи пир бўлиб, пуллари беришини сўради.

Аббор бу сафар ҳам Шералини куруқ қўл билан қайтарди-ю, галла йиғим-теримида Шералига 6 миллион сўмлик галла берди. Қолган пуллари эса ҳар хил баҳоналар билан орта сураверди. Шерали ўз пуллари оломай чарчагач, ҳуқуқ-тартибот идорасига пуллари ундириб беришини сўраб мурожаат қилди.

Фуқаро Анвар Эсонов ҳам "Дамас" сотиб олмоқчи эди. Шу мақсадда у қайноғаси А.Санаевга учрашди. Бир автомобилни ҳанузгача олиб бериш уddасидан чиқмаган фермер

FAOLIYAT

ЮТУҚЛАРИМИЗ БАЙРАМГА СОВФА БЎЛДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, аввало инсон ва унинг манфаати ҳимоясига қаратилган бўлиб, айниқса, аҳолининг эҳтиёжман қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Шу маънода туман ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 70 нафар кам таъминланган, ногирон, бовувчисини йўқотган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аъзоларига совғалар улашилди, нурунийларнинг дуолари олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида "ги Фармони ижроси доирасида туманнинг "Ақчақўл" ва "Чайка" массивларида қатор қурилиш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Туман прокурори раҳбарлик қилаётган 2-секторга тумандаги Навоий номи, "Ақчақўл", "Шарқ юлдузи" овул, "Тупроқ-қалъа", "Кичик гулдурсин", "Ифтихор" маҳалла фуқаролар йиғинлари қиради. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ўрганилган хонадонлар бўйича ҳисобот дафтари юрити-

Фохрадин СОБИРОВ,
Эллиққалъа туман прокурори

либ, аниқланган муаммолар жойида ўз ечимини топмоқда.

Ҳозир "Ақчақўл" овул фуқаролар йиғини ҳудудида 1031 та хонадон бўлиб, уларда 5 минг 369 нафар турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг 1590 нафари ёшлардир. Сектор аъзолари томонидан 2018 йил июнь-август ойларида ҳудуддаги аҳвол ўрганилди ва фуқароларнинг тоза ичимлик суви ўтказиб бериш, анор боғи ташкил қилиш учун ер майдони сўраб қилган мурожаатлари ижобий натижасини топди.

Дастурга қўра, ҳудудда 552 та уй-жойларни капитал ва жорий таъмирлаш назарда тутилган эди. Ҳозир уларнинг 140 тасида ишлаб яқунланди. 10 тасида пардозлаш ишлари олиб боришмоқда. 3 та савдо дўкони тўла таъмирланди, байрам арафасида ишга туширилди. Аҳолини тоза ичимлик суви, электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш масалалари ҳам режага мувофиқ олиб боришмоқда. Ўтган йили овулга 11,8 чакирим тоза ичимлик суви келтирилди, 9,2 км. электр энергияси, 3,9 чакирим табиий газ тармоқлари тортилди.

2019 йил 1 январдан бошлаб, жисмоний шахсларнинг қўй-жойлари ва хонадонларига қўриқлов техник воситалари жиҳозлари бепул ўрнатилади.



Жиноятчиликка қарши курашни жиноятларга имкон бераётган сабабларни бар тараф этишдан бошлаш керак. Ҳуртошимиз ҳам жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, унга барҳам бериш кераклигини алоҳида таъкидламоқдалар. Чунки, касални даволагандан кўра, унинг олдини олиш ҳам осон, ҳам фойдали.

Давлатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир чиқишида соҳага масъул бўлган идораларнинг асосий вазифаси жиноятчини топиш ва жазолаш эмас, балки жиноят содир этилишига шароит яратиб берган ҳолатларни аниқлаш, айниқса, тизимли муаммолар билан ишлашга алоҳида урғу қаратишни кўп бора таъкидлаб ўтган. Самарқанд вилоят ҳуқуқи муҳофазаси қилувчи органлари, хусусан, вилоят прокуратураси органлари томонидан бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоят прокуратураси томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органлар, маҳаллий бошқарув ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида кенг қамровли дастур амалга оширилмоқда.

МУЛЛА НИКОҲ ҲАМ

бундан ваколлатли идораларнинг хабари борми?

Кўпчиликка сир эмас, ҳаётимизда энг катта қўсуллардан бири қонуний никоҳни менсимасдан шарый никоҳ чекланишидир. Таассуфки, бу каби ҳолатлар оқибатида қанчадан-қанча аёллар ўз ҳуқуқларининг поймол этилишига ўзлари сабабчи бўлиб қолишмоқда.



Хаётини қузатувларимизга кўра, Россия ёки бошқа чет давлатларда ишлаб юрган айрим фуқаролар ўша ердан туриб тўй кунини белгилайди. Боз устига, уйланаётган йигит ҳам тўйга тўрт-беш кун қолганида қонуний никоҳланмишга ариза тақдим этмоқда. Бироқ, қонуний никоҳланганини ўз шартлари бор. Улардан энг зарури 30 кунлик муддатнинг устуворлиги, тиббий қўриқдан ўтишининг шартлиги ва ҳоказо. Аммо тўйни аввалдан белгилаб олган томонлар учун бу гаплар шунчаки расмийликдек туюлади-ю, "эви" ни қилиб шарый никоҳ асосида тўйни ўтказишади.

Хўш, кейин-чи? Кейин эса тўй ташвиши ва унинг харажатларидан, боз

устига, тўйдан кейинги йиғинлардан базўр қутулган ёшлар учун қонуний никоҳни амалга ошириб олиш ортиқча чиқимга айланади. Шу билан ҳаётнинг бошқа ташвишларига кўмилиб борадиган "оила"нинг аёли тез орада "юкли" бўлади. Қарасизки, яна бир ширин, аммо ўта таранг ташвиш тугилади. Ташвишларнинг кетма-кетлиги, устига-устак, тўйга қадар бир-бирини тузукроқ кўриб, синаб улгурмаган ёшлар қолиб, қудалар орасида ҳам мурасасизлик вужудга келади. Кейин эса, ажрашиш...

Энг ёмони, бундай ҳолатларда келин ва унинг зурриёти кўчада қолади. Уларга на суд, на бошқа биров ёрдам бера олади. Ахир, ўртада қонуний никоҳ йўқ-да!

Ўзаля ШАРИПОВА,
Наманган вилоят прокуратураси катта ёрдамчиси

Хўш, бунга ким айбдор?! Албатта, томонларнинг ўзлари. Шу билан бирга, шарый никоҳ асосида ўтказилган тўйга гувоҳ бўлган маҳалла раиси, маҳалла фаоллари, кайвонилар, никоҳ ўқиган домла ҳам айбдор.

2018 йилнинг 28 октябр кунин Наманган шаҳрининг "Соҳибқор" маҳалласидаги "Ойдинқул" кўчасида жойлашган хонадонлардан бирида тўй бўлди. Келин бўлмиш қўшини "Бўстон" маҳалласидан тушириб келинди. "Истиқлол" маҳалласида яшовчи домла Ҳасан Аҳмадхонов эса уларнинг руҳсатсиз ҳолда шарый никоҳлади.

Қўриб турганингиздек, учта маҳалла тузилмаси фуқароларини ўртасида содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳеч бир жамоатчининг эътиборига тушмади. Ҳеч ким бу тўйнинг қонуний жиҳатлари билан қизиқмади.

Муаммо юзага қалқиб чиққанидан кейингина суд мазкур қилмишга қонуний баҳо берди. Ҳасан Аҳмадхонов маъмурий жавобгарликка тортилди.

ДАРДНИ ТИНГЛАШ ҲАМ ЭГАСИГА МАЛҲАМ БЎЛАДИ

FAQOLIYAT

на Самарқанд шаҳридаги мавжуд 207 та маҳаллага Ёшлар иттифоқидан бир қанча ёшлар хавфсиз ҳудуд посбонлари ва маҳалла фуқаролари йиғинларидан фуқаролар тунги навбатчиликка жалб қилинди. Шунингдек, сайёр суд мажлисларининг маҳаллаларда кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича вилоят судлари томонидан 1700 та, маъмурий судлар томонидан 15 мингдан ортқ суд мажлислари сайёр тартибда маҳаллалар, турли корхона ва ташкилотларда ўтказилди. Бу эса фуқароларнинг ҳар қандай ҳуқуқбузарликка жазо муқаррар эканлигини англашлари ва ҳулоса чиқариб, тўғри йўлни танлашларига хизмат қилапти.

Оғир вазиятга тушиб қолган инсонни жамиятда тинглайдиган, қўллаб-қувватлайдиган куч бўлмаса, фуқароларнинг ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш эҳтимоли мавжуд бўлиши мумкин.

Инсон оғир вазиятга тушиб қолса, уни тинглайдиган, қўллаб-қувватлайдиган куч бўлиши лозим. Ана шу тоифадаги фуқаролар дарҳол эътиборга олинини ва муаммоси ҳал этилишига ҳаракат қилиш лозим. Вилоят прокуратураси органлари томонидан ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ўз жонига қасд ва суиқасд қилиш сабабларини аниқлаш ҳамда бундай ноҳус ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган идоралараро

Сирожиддин ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилоят прокуратурасининг биринчи ўринбосари

Дастур ишлаб чиқилган. Шу асосда вилоят ҳуқуқни муҳофазаси қилувчи органлари, ҳокимликлар, хотин-қизлар кўмиталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда кенг қамровли тушунтириш, ташвиқот, тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Ҳудудлардаги прокуратуралар томонидан ўтказилган терговга қадар текширув жараёнида фуқароларнинг ўз жонига қасд ёки суиқасд қилиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган прокуратур нazorat ҳужжатлари ҳам қўлланилиб, маҳалла фуқаролар йиғини, корхона, ташкилот ва муассасаларга тақдимномалар киритилди. Бу тақдимномалар кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланапти.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида аҳоли ўртасида мингдан ортқ профилактик ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Натижада вилоятда умумий жиноятлар 2017 йилга нисбатан 2216 тага камайишига эришилди. Лекин жиноят битта бўлса ҳам кўп. Содир этилган ҳар бир жиноят ёки ҳуқуқбузарлик янада кўпроқ ишлаши миз лозимлигини, ишимизда хато-камчиликлар борлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тизимли ислохотлар халқимизнинг тинчлиги ва озолишлигини таъминлашга хизмат қилади. Жиноятчиликка қарши курашиш барча даврларда ҳам давлатнинг жиддий ва муҳим масаласи ҳисобланиб келинган. Инсон тинч ва хотиржам яшашни хоҳлайди. Тинчлик бўлган жойда барак ва ривожланиш бўлади.

JARAYON

ТЕЗЛИКНИ ОШИРИБ, НАДОМАТДА ҚОЛМАНГ!

Ўша кун тонг саҳардан Нодир "Жигули" сизда Ми-роқи кўргони томонга йўлга чиққанди. Декабрининг изғиринли кунлари эмасми, соат энди олтидан ўтган бўлса ҳам атроф қоронғу эди.

Болалар шифохонаси ёнидан ўтаётиб ҳам тезликни пасайтириш унинг хаёлига келмади. Йўлни кесиб ўтаётган аёлни сўнгги сониялардагина кўзи илғаб, тормозни босди. Аввал қўлоқчи қоматта келтирадиган чийиллаган, сўнг қаршилаган товуш эшитилди-ю, Нодирнинг ҳуши бошидан учди...

Рул чамбаранини тутган ҳар бир киши амалдаги "Йул ҳаракати қондалари"нинг 77-банди 3-кичк бандини "беш бармоқ"дай яхши билади: ҳаракатланаш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш имкониятида бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф тугдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак.

1971 йилда Китоб туманида тутилган Нодир Абдиев ана шу "беш бармоқ"дай аниқ ва лўндагина қондан унутди. Оқибатда фуқаро М.Таниқуловга оғир шикаст етказилишига сабабчи бўлди. У

Музаффар ҲАСАНОВ,
Китоб туман прокуратурасининг катта ёрдамчиси

дарҳол жабранувчига ёрдам бериб, зудлик билан шифохонага етказди.

Жиноят ишлари бўйича Китоб тумани суди томонидан "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғини идорасида ўтказилган оқибот сайёр суд мажлисида судланувчи ўз айбига тўлиқ иқроллик билдириб, жабранувчидан кечирим сўраганини, унга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганини сабабли ишни ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабранувчи М.Таниқулова мазкур йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида боши лат ёб, оёғи синганига қарамасдан Нодир Абдиев билан ярашганини маълум қилиб, ишни ярашув асосида тугатишни сўради.

Суд ажрим қилди. Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан судланувчи Нодир Абдиевга оид мазкур жиноят иши ҳаракатдан тугатилади.

Ха, ярашувга нима етсин! Нодир Абдиев ҳушёрликни бой берганили бос жиноят сабабчи бўлганди. Бироқ ўз айбини англаб етиб, жабранувчига ўз вақтида ёрдам берди. Ундан кечирим сўраб, етказилган зарарларни қоплади. Оқибатда ҳаммаси хайрли яқун топди...



FAOLIYATIDAN

олиб келиниши кўзда тутилган бўлиб, Наманган вилоятидаги "Агро-фирма" масъулияти чекланган жамияти (МЧЖнинг номи ўзгартирилган) билан галла ҳали пишиб улгурмай, 2018 йилнинг апрель ойида жами 11 миллиард 798 миллион сўмлик шартномалар имзоланган.

Талаб этиладиган 1 минг 567 тонна уруғлик картошка харид қилиш учун бир қатор тижорат банклари фермер ҳужжаликлари имтиёзли кредитлар так-

622 миллион сўмлик 887 тонна уруғлик картошка етказиб берилмаган. Мазкур маблағ ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилинган. Бунинг оқибатида вилоятдаги 296 гектар майдонга картошка экилмасдан давлатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши соҳасидаги сиёсатига салбий таъсир кўрсатилиб, фермер ҳужжалиklarining қонун билан ҳимояланганидан манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган.



TADBIIR

296 ГЕКТАР МАЙДОНГА НЕГА КАРТОШКА ЭКИЛМАДИ?

МЕН ҲАМ АСКАР БЎЛАМАН...

Гарчи бу йил об-ҳаво ноқулай келиб, жойларда сув тақчиллиги яққол сезилган бўлсада, умумий шартдан келиб чиқиб, ердан бир йилда камда икки марта ҳосил олиш имкониятини қўлдан бой бермаслик чоралари кўрилди.

лиф этаркан, фермерлар ҳам қулай имкониятни қўлдан бой бергиси келмай шартномага асосан 100 фоиз олдидан тўлов шаклида "Агро-фирма" МЧЖ ҳисоб рақамига келишилган маблағни ўтказиб берган.

Оларда қирар жоним, берарда чиқар жоним, деганларидек, шартномада кўрсатилган уруғлик картошка 2018 йилнинг 15 июнига қадар етказиб берилиши керак бўлса-да, "Агро-фирма" МЧЖ томонидан 699 та фермер ҳужжалигига 6 миллиард

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агрорасаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан "Агро-фирма" МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бориш учун вилоят прокуратурасига юборилди.

Ҳар бир инсон учун ўз Ватани дунёдаги энг гўзал ва муқаддас макондир. Ватанига меҳр-муҳаббати бўлмаган инсоннинг ота-онасига меҳри борлигига ишониб қийин. Ватанга муҳаббат эса боланинг мурғаклигидан, у яшаб турган гўшага, киндик қони томган жойга меҳр-муҳаббат ва садоқатдан бошланади.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
"Нуқуқ"

Хусусан, галла саранжомланиб олинганидан кейинги қарийб 4 ойлик иссиқ ва ҳароратли кунлар такрорий экин учун айни мuddао экани ҳисобга олинди.

Қашқадарё вилоятида ҳам такрорий экин экишга алоҳида эътибор қаратилди. Сувсизликка чидамлилигидан келиб чиқиб мош, қарам, сабзи ва картошка иккиламчи экин сифатида экиладиган бўлди.

Шу мақсадда Қамаш, Шаҳрисабз, Якжабоғ, Чирокчи ва Китоб туманларидаги 1 минг 231 та фермер ҳужжалигига галладан бўшаган ер майдонларига такрорий экин сифатида картошка экиш режалаштирилди. Уруғлик эса четдан



ШОЛИНИНГ ПУЛИ ҚАНИ?

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агрорасаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг Нукус туман бўлими томонидан туман ҳудудида фаолият юритаётган "Мамбет" МЧЖга туман ҳокимининг 2018 йил 18 июнь кунги қарори билан 32 гектар ер майдонига шולי экиш учун режа белгилаб берилди.

Жамият белгиланган режа бўйича шולי етиштирган. Шундан сўнг МЧЖ келишувга кўра, "Қорақалпоқдонмахсулотлари" АЖ билан давлат эҳтиёжларига шולי етказиб бериш учун контрактация шартномасини тузади ва унга асосан АЖга 38,4 тонна уруғлик шולי топширади. Лекин, тузилган контрактация шартномаси бўйича МЧЖга "Қорақалпоқдонмахсулотлари" АЖ томонидан шартнома пуллари ўтказилиб берилмади.

Ушбу ҳолат Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекциянинг Нукус туман бўлими томонидан ўрганиб чиқилиб, "Мамбет" МЧЖ томонидан топширилган 129 миллион 127 минг сўмлик уруғлик шולי пуллари "Қорақалпоқдонмахсулотлари" АЖ дан ундириб берилиб, тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекциянинг Қувасой шаҳар бўлими ходимлари томонидан "Қувадонмахсулотлари" АЖга қарашли дон қабул қилиш шохобчасида фермер ҳужжалиklarига уруғлик дон тарқатилиши юзасидан назорат тадбирлари ўтказилди.

УРУҒЛИК ДОННИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛГАН ЭДИ

Текширишда дон қабул қилиш шохобчаси мудири Ботир Баракаев (исм-фамилияси ўзгартирилган) "Галла-2019" ҳосили учун Қувасой шаҳрида фаолият кўрсатувчи 38 та фермер ҳужжалиklarига юк хатлари орқали жами 94 минг 945 килограмм 206 миллион 410 минг сўмлик уруғлик дон тарқатади. Ушбу жараёнда у фермер ҳужжалиklarига уруғлик дон тарқатилганлигини тасдиқловчи китобга ва юк хатларининг ўзида қолган асл нусхаларига қалбаки ёзувлар киритиш йўли билан фермерларга тарқатилиши керак бўлган жами 7 минг 475 килограмм 16 миллион 252 минг сўмлик уруғликни талон-торож қилади.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, Қува туман прокуратурасига юборилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекция

3-YANVAR 2019-Y. HUQUQ № 1 (1146) 11

HUQUQ YURIDIK GAZETA

Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Erkin YULDASHEV, Baxtiyor NAZAROV, Halim BOLTAYEV, Djaxongir MIRSAFAYEV, Kamoliddin ASQAROV (mas'ul kotib), Surayyo RAHMONOVA

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy. Telefon: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85 Web site: www.huquq-uz E-mail: huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqzir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyatni nuzatli nazardan fergalanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart. — tijorat materiallari.

Nashr ko'rsatkichi 231

Buyurtma v-2991. 20 612 nusxada bosildi. Oq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.


Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA Sahifalovchi: S.BOBJOJANOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirishi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa jodiy uyida chop etildi. Korxonaga manzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbaasi va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



33 йил давомида прокуратура органларида хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Қурбонбой Киранов табарруқ 70 ёшни қарши олмақда.

бўлим прокурори, вилоят прокурорининг ёрдамчиси, Оқолтин туман прокуратурасида терговчи, туман прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Ишлаш жараёнида ижобий фаолият

қўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Қурбонбой Кирановнинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Хурматли Қурбонбой Киранов, таваддул айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

SPORT



Осиё кубогига терма жамоа либоси

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 5 январидан Бирлашган Араб Амирликларида Осиё кубоги — 2019 старт олади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси мусобақанинг "F" гуруҳидан ўрин олган бўлиб, Япония, Уммон ва Туркменистон термалари билан баҳс олиб боради. Эктор Купер бошчилигидаги терма жамоамиз аъзолари 9 январь кuni уммонликларга қарши кечадиган ўйин билан турнирдаги иштирокини бошлайди.

Шу муносабат билан 2018 йил 27 декабрь кuni Миллий олимпия қўмитаси биносида Ўзбекистон миллий терма жамоасининг янги либоси тақдироти бўлиб ўтди. Йиғилганларга миллий терма жамоа учун "Jako" компанияси томонидан тайёрланган янги формалар намойиш қилинди. Демак, терма жамоамиз Осиё кубогига ушбу либосларда майдонга чиқади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси 2011 ва 2015 йилги Осиё кубокларида Испаниянинг "JOMA" компанияси томонидан етказиб берилган либосларда тўп сурган.



Рабьонинг "Барселона"га ўтиши ойдинлашмоқда

Франциянинг "ПСЖ" клуби ярим ҳимоячиси Адриен Рабьо қишки трансфер пайтида жамоани тарк этиши мумкин. Бу борадаги хабарлар охириги пайтларда ижтимоий тармоқларда кўп такрорланмоқда.

Парижликлар 23 ёшли футболчини 5 миллион еврога "Барселона" клубига сотиши мумкин. Акс ҳолда футболчи мавсум сўнггида эркин агент сифатида жамоани тарк этади. Боз устига, "ПСЖ" жамоаси ярим йил давомида Рабього маш тўлаш мажбуриятдан халос бўлади.

Эслашиб ўтамиз, аввалроқ "кўк-аноранглилар" Адриен билан шахсий шартнома борасида келишиб олгани ҳақида хабар тарқалганди. Аммо сўнгги пайтларда футболчининг онаси каталонликлардан кўпроқ пул талаб қилаётгани боис, музокаралар жараёни бироз чўзилмоқда.

Эслашиб ўтамиз, Адриен Рабьо Франция чемпионатининг ушбу мавсумида 14 та ўйинда майдонга тушиб, иккита гол урди ва битта голга узатма берди.

Ё "Adidas" бутсасини киясан ёки жарима тўлайсан...

Голландия суди "Adidas" компанияси ва "Барселона" клуби ярим ҳимоячиси Рафинья Алькантара ўртасидаги ишни спорт кийими ишлаб чиқарувчи компания фойдасига ақунлади. Компания футболчини шартнома шартларини бузгани учун судга берган эди.

Гап шундаки, 2013 йилда Рафинья компания билан 5 йиллик битим имзолаган. Ўтган йилнинг ёзида ушбу келишув якунига етди, аммо "Adidas" компанияси футболчининг вакили билан боғлана олмади ва автоматик равишда битимни узайтирди. Рафинья эса улар билан боғланишганини маълум қилди.



Футболчи шартномани узайтиришни истамаганиди, чунки жароҳат олган йилларда (2015-2017) компания уни етарли даражада қўллаб-қувватламаган экан. Бироқ компания билан тузилган битимда келишувни автоматик равишда 5 йилга узайтириш банди бор эди.

Рафинья мавсумнинг катта қисмини "Mizuno" бутсаларида ўтказди, бундан газабланган "Adidas" компанияси футболчини судга берди.

Суд қарорига кўра, Рафинья ҳар ўйинда ушбу компания бутсаларида тўп тепади ёки шартномани ҳар сафар бузгани учун 10 минг евродан жарима тўлайди.

16 ёшли болакай учун 70 миллион евро

Бразилиянинг "Фламенго" клуби ярим ҳимоячиси Рейне Жезуш Карвальо Мадридга келиши мумкин. Сабаби, ёш иқтидор эгасига Испаниянинг "Реал Мадрид" жамоаси жиддий қизиқиш билдирмоқда.

Мадридликлар футболчи учун 70 миллион евронинг баҳридан ўтишга тайёр. Жезушга шунингдек, "Манчестер Сити", "Ювентус" ва "Рома" каби жамоалар ҳам қизиқиш билдирмоқда.



Модрич яна бир совринни қўлга киритди

Шубҳасиз, 2018 йил Мадриднинг "Реал" клуби ва Хорватия терма жамоаси аъзоси Лука Модрич учун жуда омадли келди. Икки буюк футболчининг 10 йилдан ошиқ давом этган "гегемон" лигига чек қўйиб, "Олтин тўп"га сазовор бўлган Лука яна бир соврин эгасига айланди. У "Болқонда йилнинг энг яхши спортчиси" деб тан олинди.

Мукофот учун сўровнома Болгариянинг "Sportske Novosti" агентлиги томонидан ташкил этилди ва унда яриморолда жойлашган 10 та мамлакат миллий ахборот агентликлари овоз беришди. Сўровнома якунига кўра, Лука асосий рақобатчиси, шу совринни 2011-2015 йилларда кетма-кет қўлга киритган сербиялик теннисчи Новак Жоквичини 75 баллга ортда қолдирди.

"Реал Мадрид" клубининг 33 ёшли аъзоси Болқон яриморолда йил спортчиси, деб топилган иккинчи футболчи бўлди. Бундан аввал "Барселона" жамоасининг собиқ болгариялик аъзоси Христо Стоичков 1994 йилда ушбу мукофотга сазовор бўлган.

Эслашиб ўтамиз, Модрич бу йил УЕФА томонидан Европада 2017-2018 йиллар мавсумининг энг яхши футболчиси деб топилди, ФИФАнинг "Йил футболчиси" ва "France Football" таснифидаги "Олтин тўп" мукофотларини қўлга киритди.

Пике Президент бўлмоқчи

Каталониянинг "Барселона" клуби ҳимоячиси Жерар Пике ўзининг футболчилик фаолиятини 2019-2020 йилги мавсум ниҳоясига етгач якунлашни режалаштирмоқда.



"Mundo Deportivo" наشري тарқатган хабарга кўра, испаниялик футболчи "Барса"га Президент бўлмоқчи. Сабаби, 2021 йилда клуб президенти учун сайлов ўтказилади. Ўша вақтга келиб Хосеп Мария Бартомеунинг ваколати ўз ниҳоясига етади. Пике 2021 йилда 33 ёшга тўлади ва у ушбу лавозим учун қурашишга тайёр.

Эслашиб ўтамиз, Пике "Барселона" клуби сафида 2008 йилдан буён тўп суриб келмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Ботир Норовга акаси

Илҳом НОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор қилади.